

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шрёдер шу йил 9-10 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилган.



ISNONSEN

ЎЗБЕКISTОН КАСАБА УОШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 8 май, чоршанба №74 (1291)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

Мамлакатимизда 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни кенг нишонланмоқда. Бу қутлуғ санининг умумхалқ байрами сифатида юқори савияда ўтишини таъминлаш барча давлат ва жамоат ташкилотларининг, идора ва корхоналарнинг айна вақтдаги энг долзарб вазифаси, юртимиз фуқароларининг виждон иши ва маънавий бурчига айланган. Ватан мустақиллиги ва озодлиги учун ўз жонини аямаган бирор-бир фахрий, нуруний унутилмаслиги, ҳар бир кекса авлод вакилига муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш борасида юртимизда муҳим чоратadbirlar амалга оширилмоқда.

СУЯНГАН ТОҒЛАРИМИЗ

- Биз бу умумхалқ байрамига ҳар қачонгидан ҳам пухта ҳозирлик кўрдик, - деди Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Эркин Боқибоев ЎЗА мухбирига. - Барча тайёргарлик ишлари Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилмоқда. Фахрийларимизни, айниқса, уруш қатнашчилари ва ногиронларини эъзозлаш, бу кекса авлод вакилларига нисбатан эҳтиромли муҳитни яратиш, уларни мунтазам равишда моддий-маънавий қўллаб-қувватлашни ўзининг инсонпарварлик бурчи деб билган жамғармаимиз 9 май - Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлашга оид тadbirlar режасини тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда 3 миллион нафардан зиёд фахрий кексалик гашини сурмоқда. Шулардан 3,5 мингдан ортиғи юз ва юз ёшдан ошган отахон ва муносиб онахонлардир.

Хотира ва Қадрлаш кунини жойлардаги ҳокимликлар билан биргаликда вилоятлар марказларида, шаҳар ва туманларда, маҳаллаларда фахрийларимиз учун байрам дастурхони ташкил этилиб, уларга қимматбаҳо совғалар тарқатилади. Ёлғиз кексалар, қариялар, ногиронларнинг уйларига бориб, ҳолидан хабар олинипти, кекса авлод вакилларига совға-саломлар топширилади. Ватанимиз озодлиги ва шаъни ҳимоячиларини шарафлашга бағишланган махсус учрашув ва суҳбатлар, маърифий-бадиий кечалар ўтказилмоқда.

Ёшлар тарбиясида нуруний отахон ва онахонларимизнинг алоҳида ўрни бор. Дарҳақиқат, ёшларни муқтақил Ватанга, халқимизга, истиқлол ғояларига садоқат, буюк келахалқ учун курашчанлик руҳида тарбиялашда нуруний отахон ва муносиб онахонларимизнинг бой ҳаётий билим ва тажрибаси катта аҳамият касб этмоқда. Фахрийларимиз Ватанимиз муқтақиллигини мустаҳкамлашга, таянчимиз ва умидимиз, эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодини имонли ва эътиқодли этиб тарбиялаш борасида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Шу сабабли ҳам биз уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳар билан учрашув ва суҳбатларига алоҳида эътибор қаратаймиз.

Т.Ботирбеков, ЎЗА мухбири



ЯНГИ МАХСУЛОТ

Тошкентда ПГС хусусий фирмасининг янги «Электрқозон-ПГС-029» ускунасининг тақдими то бўлиб ўтди. Ушбу қозон ўтин ёки кўмир талаб этмайди. Ундан фойдаланиш учун озгина электр энергияси сарфланади, холос.

Электр қозон турли хил овқатлар тайёрлашга мўлжалланган. Масалан, 200 кишига палов тайёрлаш учун 2 соатда бор-йўғи 18 киловатт электр энергияси талаб этилади. (ЎЗА).




МИННАТДОР АВЛОД ТАЪЗИМИ

Хотира майдони бугун ҳар қачонгидан гавжум. У янада зебо-ланган, мрамар йўлақлар, зарҳал лавҳалар қуёш нурида товланади. Бу ердан уруш ва меҳнат фахрийлари, айниқса, ёшлар қадами узилмайди. Эсаётган шабада кўнгалларда маҳзун ҳислар уйғотади, қалбларда буюк аждодларимиз хотираси жонланади. «Мотамсаро она» пой гулларга тўлиб боради. Одамлар ички бир интиқлик, эҳтиром билан шахид кетган ватандошларимизнинг табаррук номлари эрҳал ҳарфлар билан битилган айвонларни зиёрат қилади. «Мотамсаро она» сиймоси гўё шахид кетган фидойи фарзандларини «Сен ҳаммиша қалбимдасан, жигарим», дея бағрига босиб, ардоқлаб тургандек.

Бошига оппоқ рўмол ташлаган нуруний онахон кўзларини ўғли кўрсатаётган зарҳал лавҳалардаги ёзувга тикилади. Ўзини Отамурод Ўзупов деб таништирган унинг умр йўлдоши шундай дейди: «Самарқанднинг Пойариқ тумани «Туркистон» жамоа хўжалигидан келдик. Ўғлимиз Қодиржон, қизимиз Робияхон Тошкентда яшади. Умрдошимнинг отаси Турдубой Хожимуродов, акаси Суннат, тоғаси Мамадийёр Тўраев урушга кетиб қайтишмаган...»

Ҳа, у кунларни эслаш оғир. Уруш барча ёш қарини оёққа тургазган, аёллар, болалар ярим кечагача даладан қайтишмасди. Ана шундай оғир кунларда 16 ёшимдан трактор хайдадим. Бу бош нималарни кўрмади, дейсиз. Яратганга шукурки, Озодликни кўрмоқнасиб этди. Бугунги эъзозлар, ҳурматлар учун меҳрибон Президентимизга раҳмат.



КИШЛОҚДА ХУСУСИЙ ШИФОХОНА

Қамаши туманининг Қизилтепа кишлоғидаги физиотерапия шифохонаси кейинги йилларда замон талабларига жавоб бера олмай қолди. Шундан сўнг бош шифокор Акбаржон Бекмуродов бу ерда меҳнат қилаётган табибёт ходимлари билан ўзаро келишиб шифохонани хусусийлаштириб олди. Юз нафар бемор даволанадиган бу шифо масканда беморлар учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Бир ва икки кишилик ётоқхоналар, душ, ванна, ошхона, шунингдек, радио, телевизор, телефон беморлар хизматида. Шифохона худудида беморлар учун мўъжазгина стадион ҳам қурилган.

Қизилтепанинг суви ва табиий балчиғи турли касалликлар учун даво ҳисобланади. Шунингдек, табиий илик сув, игна билан даволанган ҳам йўлга қўйилган. Ёш шифокор Акбаржон Бекмуродов яна бир хайрли ишга қўл урди: 50 ўринли қўшимча бино қурилиши бошлаб юборилди. Демак, кишлоқда янги иш ўринлари очилиши билан биргаликда минглаб беморлар даволаниб, соғлиқларини тиклашга имконият яратилади. «Туркистон-пресс»

Амина КОДИРОВА.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

«Жейнов» пахта тозалаш очик турдаги хиссадорлик жамиятида 500 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Мазкур корхона Усмон Юсупов туманидаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда, ишчиларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга катта аҳамият берилди. Хусусан, корхона маъмурияти ва касаб-ушма кўмитаси ўртасида тузилган жамоат шартномаси шартларини баҳарий борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинганлиги жамоатда меҳнат қилиб, нафақага чиққан табаррук инсонлар кўнглини кўтарди. Шу муносабат билан байрам кунлари уларга ҳурмат кўрсатилиб, бир пиёла чойга таклиф қилинди. Нафақадаги собик ишчилардан 30 нафарига қадимий шаҳарлар буйлаб саёҳатлар уюштирилди. Улар Имом ал-Бухорий мажмуасини зиёрат қилиб қайтидилар. Бу ишга касаб-ушма кўмитаси бошқош бўлди. 4 гектар майдон ажратилиб, қариялар боғи барпо этилди. Мева-ли ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказишни эса кекса отахонлар бошлаб бердилар.

Хиссадорлик жамиятида меҳнатқашлар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам анча ишлар қилинди. Ўтган йили 17 нафар ишчи-хизматчи республиканинг турли сикат-гоҳларида дам олиб қайтидилар. «Мироқ», «Ситораи Мохи-Хоса», «Чинобод» каби санаторийлар шулар жумласидандир. Шаҳрисабздаги «Лочин» болалар оромгоҳи эса корхона ишчилари фарзанд-

лар билан техника хавфсизлиги қоидалари хусусида суҳбатлар, савол-жавоблар ўтказилди. Корхонада ўтган йили 31053 тонна хом ашё қабул қилинган бўлса, унинг асосий қисмини биринчи нав ташкил этди. Шу боис, тайёрланган махсулотнинг 89 фоизи хорижага ўнатилиди. Жанубий Корея, Италия, Франция, Сингапур сингари мамлакатлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, бу ерда пахтадан 700 тонна момик, 13602 тонна чигит ажратиб олинди.

Ўтган йили ишлаб чиқарилган махсулотдан 31 миллион 470 минг сўм соф фойда олган бўлса, бу кўрсаткични жорий йилда 35 миллион сўмга етказишни режалаштирғанимиз, - дея суҳбатга қўшилди бош иқтисодчи Ислам Аминов. - Бошқача қилиб айтганда, бу йил 34 минг тонна хом ашё қайта ишланади.

Корхонада яна бир янгилик жорий этилади. Янги мавсумдан бошлаб корхонада қисқа технология асосида ишлашга ўтиш режалаштирилмоқда. Бу эса электр энергияси сарфини анча тежайди. Технологик жараёнларни қисқартириб, махсулот сифатини кафолатлайди.

К.БОЙМУРОВА Суратда: корхонада ташкил этилган зардўзлик цехининг қўли гул ишчиларидан бир гуруҳи.

ЗАРДЎЗЛИК ЦЕХИ

иш ўрни қисқарган хотин-қизларни бағрига олди

ларнинг сеvimли маскани ҳисобланади. Ҳар йили ёғзи таътилда болажонлар бу ерда дам олиб, соғлиқларини тиклайдилар. Бизда хотин-қизлар меҳнати алоҳида қадрланади, - дейди корхона раҳбари Доғий Хамидов. - Жумладан, ёш болали аёлларга қисқартирилган иш соати жорий этилган. Тунги сменада



Хиссадорлик жамиятида меҳнатқашлар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам анча ишлар қилинди. Ўтган йили 17 нафар ишчи-хизматчи республиканинг турли сикат-гоҳларида дам олиб қайтидилар. «Мироқ», «Ситораи Мохи-Хоса», «Чинобод» каби санаторийлар шулар жумласидандир. Шаҳрисабздаги «Лочин» болалар оромгоҳи эса корхона ишчилари фарзанд-

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ШИРАК ГАЛАБА ҚИЛДИ

Авал хабар қилганимиздек, Францияда 5 майда президент сайловларининг иккинчи босқичи ўтказилиши белгиланган эди. Нихоят, умумхалқ овоз бериши натижалари маълум бўлди. Унда энг машҳур башоратчи Тессье хоним айтганидек, амалдаги президент Жан Жак Ширак аҳолининг 82 фоиз овозини олиб, иккинчи бор катта галабага эришди. Сайловда иштирок этган 33 миллион кишининг 22 миллиони Ж.Ж.Ширак учун овоз бердилар. Унинг муҳофизатчиси Жан-Мари ле-Пен бор-йўғи 18 фоиз овоз олди, холос.

ИХТИЛОФ СУСАЙМОҚДА

Исроил ва Фаластин ўртасидаги ихтилоф алангаси, қўринишдан, бироз суясаётганга ўхшамоқда. Исроил томони террорчиликка қарши ўтказган «Химоя девори» операцияси дерили нихосига етди. ВиФлөөмдаги Исо мавлуди черкови атрофида жанглардан сўнг бир қадар келишувга эришилди. Музокараларда Исроил мудофаа вазири Бенямин Бен Элизер, Фаластин томонидан Ҳазо минтақасидаги хавфсизлик қўли қўмондони Мухаммад Дахлан, Е.Арофат маслаҳатчиси Мухаммад Рашидлар қатнашди. Қамалда 35 кун бўлган 224 нафар кишидан кўпчилиги эркинликка чиқди. 126 киши эса ҳамон ичкарида туришибди. Эндиликда номи чиққан 6 ёхуд 8 киши Италияга бадарга қилинади. 25 киши эса Фаластин суди олдида жавоб беради.

Душанба кун АҚШга ташриф буюрган Исроил бош вазири Ариел Шарон президент Ж.Буш, давлат котиби К.Пауэлл ва бошқа расмий шахслар билан Яқин Шарқ буйича ўтказиладиган бўлажак конференция хусусида фикрлар алмашиш ниятида эканлигини айтди.

ЧОЙ БАЙРАМИ

Хитойда ҳар йили «Чой байрами» деб аталмиш тантаналарни ўтказиш анъана тусига кирган. Бундай тadbirlar баҳор фаслининг сўнги пайтларига тўри келади. Шодибанларда янги терилган чойнинг алоҳида навлари истеъмол қилинади. Бир томчи бўлса ҳам кайф қилувчи ичимлик-

КИШЛОҚДА ХУСУСИЙ ШИФОХОНА

Қамаши туманининг Қизилтепа кишлоғидаги физиотерапия шифохонаси кейинги йилларда замон талабларига жавоб бера олмай қолди.

Шундан сўнг бош шифокор Акбаржон Бекмуродов бу ерда меҳнат қилаётган табибёт ходимлари билан ўзаро келишиб шифохонани хусусийлаштириб олди. Юз нафар бемор даволанадиган бу шифо масканда беморлар учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Бир ва икки кишилик ётоқхоналар, душ, ванна, ошхона, шунингдек, радио, телевизор, телефон беморлар хизматида. Шифохона худудида беморлар учун мўъжазгина стадион ҳам қурилган.

Қизилтепанинг суви ва табиий балчиғи турли касалликлар учун даво ҳисобланади. Шунингдек, табиий илик сув, игна билан даволанган ҳам йўлга қўйилган. Ёш шифокор Акбаржон Бекмуродов яна бир хайрли ишга қўл урди: 50 ўринли қўшимча бино қурилиши бошлаб юборилди. Демак, кишлоқда янги иш ўринлари очилиши билан биргаликда минглаб беморлар даволаниб, соғлиқларини тиклашга имконият яратилади. «Туркистон-пресс»

«Туркистон-пресс»

Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одабийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ

КАСАБАҚҮМ ТАКЛИФИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



жон билан бир ёстиққа бош кўйиб, умргузаронлик қилган Муборак Абдураззокова шундай эслайди:
 — У киши кек сақлашни билмасди, доимо кўзлари қулиб турарди. Камтар эди. Бир кун кундуз теллак олиб келсам, «бундай кийим ҳамроҳларимда йўқ», дея киймади. Ишлари тизгиллиги қарамай, фарзандлари тарбиясига вақт топарди.

2001 йилнинг кишида бахтсиз ходиса туфайли Олимжон Искандаров 51 ёшда ҳаётдан кўз юмди. Олти нафар фарзанди камолани кўриш унга насиб этмади. Аммо турмуш ўртоғи Муборакхон Абдураззокова Бахмал туман агросаноат ҳодимлари касабасига уюшма кўмитаси раиси сифатида юмушлари билан банд бўлмасин, фарзандларини оқ юшиб, оқ тарай билди. Болаларнинг бари Олимжон орзулагандай бўлиб еттишмоқда. Катта қизи Зилола — олий маълумотли фармацевт, Нилуфар — Тошкентдаги жаҳон тиллари университетини битириш арасисидики, нияти — Германияда ўқийдиган давом эттириш. Хулқар — Тошкент фармацевтика олийгоҳида ўқитган бўлса, Азиза, Севара мактабга қатнапти, Юлдуз эса боғчада.

Олимжоннинг дўстлари, шоғирдлари жуда кўп эди. Баходир Зарипов, Мурод Тўйчиев, Урол Бўтаев, Пулат Хайдаров, Орикул Бекбутов, Довур Алишев, Урол Турсунбоев... Бу номларни яна истаганча давом эттириш мумкин. Улар дўстлари хотирасини қалбда жо айлаб, оиласи, фарзандлари аҳволларини доим хабардор бўлиб туришади.

Ҳақиқатда 5-механизациялашган кўча жамланма курувчилари касабасига уюшма кўмитаси ҳамкасб дўстлари хотирасини абадийлаштириш мақсадиди. Ўсат шахарчасидаги йирик кўчалардан бирига Олимжон Искандаров номини бериш тўғрисида тегишли мутасаддиларга тақлиф билан чиқди. Касабақўм тақлифи қабул қилинди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ ЭДИ



бўлган инсон эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилганмиз.

— Ишга янги келган кунларим эди, — дея эслайди референт Холита Махмудова. — Дастлаб киришиб кетишим қийин келди. Шунда Босит ака кўнглимни кўтариб, қимматли йўл-йўрик, маслаҳатлар берди. Вақти келса оилавий масалаларда ҳам қўллаб-қувватлади. Ажойиб инсон Тошкент шаҳридаги «Узсаноат-энерго», авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик корхона ва таъкилотларда ишлаган кезларида ҳам одамлар қалбига йўл топти. Ўз касбини фидойисини сифатида катта оғиб-эйтибор қозонди. Минг афсуску, у гојатда қиска умр кечирди. Бирок, кўп нарсасига улгурди, ўзидан яхши шоғирдлар қолдирди.

Н. РАФИКОВ.

Хотира ва қадрлаш кунини яқинлашгани сайин раҳматли бобом Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, тиббиёт подполковниги, ёзувчи ва журналист Зикрилло Эгамбердиевнинг порлоқ хотирасини ёдига келаверади. У киши билимдон, зукко, шифокор сифатида эл дарадига малҳам бўлиш билан бирга, доно ўғитлари, ширин сўзлари ила одамлар қалбига энг улашарди. Шарқ мумтоз адабиётини чуқур билганликлари боис, ҳар бир гапни донолар бисоти билан боитиб, назм билан сайқаллаб, одамларни яхшиликка, эзгу амалларга, дўсту ҳамкорликка қорлаганлар. Ҳаётда арзир-арзимас нарсалар устида бахслашиши, асабийлашиши, бўлар-

ҲИҚМАТЛАР

Фозил кишилардан Асомий шундай ҳикоя қилади:

—Мен бир кишининг хузурига кирдим. У киши ўзи ўтирган деди:

бўйранинг чеккасидан жой кўрсатиб, мени ўтиришга тақлиф этди.

—Раҳмат, ўзингиз ўтиравегин. Мен ҳам ўтирсам сизга озгина жой қолиб, роҳатингиз бузилади, — деб узр айтдим.

У киши узримни қабул қилмай, деди:

Эшиқ аста тақиллаб, ижтимоий хизматни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Баҳринисо Полвонова хузурига 70 ёшлардаги нуроний кирди.

— **Мумкинми, қизим, — деди Султон ота рўпарасига пешвоз чиққан опага қараб. — Бир юмуш билан келган эдим.**

Опа отахоннинг «юмуш»ини диққат билан эшитди.

— Бекорга овора бўлибсиз, — деди сўнг, — хонадонингизга бириктиб қўйилган ҳодимларимиздан айтиб юбора қолмабсиз-да. Гапингизни тушундим. Мана бу «Товоқсой» сыхатгоҳида даволаниб келишингиз учун йўланма. Дам олиб, соғлигингизни тақлаб қайтинг.

Шу кун Иккинчи туманидаги «Турон» жамоа ширкат ҳўжалигида яшовчи Султон ота Ибрагимов ижтимоий таъминот бўлимидан уйига хўрсанд бўлиб қайтди.

Бу воқеа туман ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг кундалик иш фаолиятидан бир лаваҳа, холюс.

Баҳринисо Полвонованинг касби шифокорлик эди. Етти йил тиббиёт хамшираси бўлиб ишлади. Тиниб-тинчимас бу аёл билимини ошириш мақсадида сиртдан ўқиб, ўқитувчилик касбини хам эгаллади. Энди у болалар билан ишлаши, улар қалбига йўл топиши керак. Шундай хам қилди. Мактабда ишлаб юрган пайларда талабчанлик ва эпчилиги туфайли тилга тўпиди. Ҳадемай уни таълим ва фан ходимлари туман кўмитаси раислигига сайлашди.

Қарийб ўн йил давомида у ўқитувчиларни ижтимоий хўмаюлаш билан банд бўлди. Етти йилдан «Соҳибқирон» ширкат хўжалигининг «Жавоғон» қишлоғида истикомат қилувчи Гулнеҳра Хидирова, Яққабог шайридаги «Янгиобод» кўчаси 4 уйда яшовчи, Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси 81 ёшли Усмон бобо Сатторов хам юқоридаги эзгу ишлардан баҳраманд бўлди.

Маълумки, шу йилнинг 25 январиди республика миз Президенти «Аҳоли-

нинг ижтимоий хўмаюга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни қўчайтириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чеккан эди. Аини пайтда ушбу муҳим хўжат асосида бир мунча ишлар қилинаётди.

Соҳа ходимлари 135 нафар яққа-ёлғиз қарияларга алоҳида эътиборни қўчайтирган ҳолда иш юртишмоқда. Уларни ижтимоий муҳофиза қилишга доир қўшимча тadbирлар белгиланганлиги нуронийлар кўнглини кўтар-

минот тизими орқали республикамизнинг «Олтириқ», «Товоқсой» сыхатгоҳларига юборилди. Соғлиқни сақлаш тизими орқали 4 нафар кекса «Семашко» даволаш масканида соғлиқларини тикладилар. Бундан ташқари касабаси уюшмалари орқали 8 нафар қария «Қашқадарё, соҳили», «Мироқи», «Чинобод», «Турон» сыхатгоҳларида дам олдиларди.

Шуниси диққатга сазоворки, ижтимоий соҳа ходимлари тумандаги «Саҳоват» уйида дам олаётган кексалар ҳўлдан хам хабар олиб туришади. Биз туманда бўлган кунимиз «Саҳоват» уйи директори Люба Душаева ижтимоий таъминот бўлими вакили Суннатилло Юсупов келиб, кексалар ҳўлидан хабар олганлигини қувонч билан таъкидлади.

— 102 ёшга кирдим, — дейди Хўрсанд момо Қобилова. — Бу ердаги шароитлар менга ёқади. Ҳали тетикман. Ижтимоий соҳа ходимлари келиб ҳўлимиздан хабар олиб туришади. Уларга раҳмат.

«Олакўйлак» қишлоғида истикомат қилувчи 107 ёшли Эшим бобо Тўраев ижтимоий таъминот бўлими ходимларидан миннатдор эканликларини таъкидлади.

— Биринчи гуруҳ ногирониман, — дейди бобо. — Тирхак Ҳақназаров деган йигит келиб хабар олиб туради. Барака топишини, дуоларини қилиб ўтирибмиз.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» муҳбири.

ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИ

кексалар дуосини оляпти

бўён эса туман ижтимоий таъминот бўлимида ижтимоий хизматни ташкиллаштириш бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда.

— «Кизил сув» жамоа хўжалигининг «Ўрта» қишлоғида яшовчи Мангит момо Тонготоровнинг яшаб турган уйини томишдан чакка ўтиб, яшаш қийинлашиб қолганлиги, соғлигини тиклаш учун сыхатгоҳга йўланма зарурлиги ҳақида мурожаати эътиборсиз қолмади, — дейди опа. — Момога қаровчи қилиб бириктиб қўйилган ходимимиз Дилноза Мусаевани унинг уйига юбориб ҳўлидан хабар олдирик. Уйнинг трми қайта таъмирланиб, Қамаш туманидаги «Кизилтепа» сыхатгоҳига йўланма берилди.

«Соҳибқирон» ширкат хўжалигининг «Жавоғон» қишлоғида истикомат қилувчи Гулнеҳра Хидирова, Яққабог шайридаги «Янгиобод» кўчаси 4 уйда яшовчи, Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси 81 ёшли Усмон бобо Сатторов хам юқоридаги эзгу ишлардан баҳраманд бўлди.

Маълумки, шу йилнинг 25 январиди республика миз Президенти «Аҳоли-

— Туманимизда 195 мингдан ортик аҳоли истикомат қилади, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Собиржон Хўрмамов. — Пенсионерлар ва нафақадагилар 20783 нафар кишини ташкил этади. 12678 нафар қариялар ёшга доир пенсия оладилар. Уларни ижтимоий жиҳатдан хўмаю қилиш зиммамизга катта масъулият юклайди. 200 нафар ўзгалар парваришига муҳтож қарияларни назоратда олганмиз. Ижтимоий хизматни ташкиллаштириш бўлимининг 14 назоа Мусаевани унинг уйига юбориб ҳўлидан хабар олдирик. Уйнинг трми қайта таъмирланиб, Қамаш туманидаги «Кизилтепа» сыхатгоҳига йўланма берилди.

Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларидан 268 нафарига алоҳида ҳурмат кўрсатилади. Ижтимоий таъминот бўлими ходимлари кексаларга электр энергия, коммунал хизмат турлари, газ, солиқ тўловлари, шаҳар транспортда текин юриш каби имтиёзлардан қай даражада фойдаланаётганликларини назорат қилиб турадилар.

моқда. «Маҳалла», «Соғлом авлод», «Нуроний», «Ногиронлар» жамяятлари билан ҳамкорликда моддий жиҳатдан кўмак бўлган кунимиз фикримиз далилидир.

Қарияларни, кекса ва ёлғиз пенсионерларнинг соғлигини доимий назорат қилиш ижтимоий соҳа ходимларининг диққат марказида туриди. Соғлиқни сақлаш ходимлари ҳамкорлигида ёлғиз ва ногирон пенсионерларга диспансер кўригидан ўтказилди, уларга зарур муоалжалар кўрсатилапти. Ногиронлар аравачаси, қўлтиқтаёқ, протез-ортопедия буюмлари, тиш протезлари, эшитиш мосламалари, оптик кўзойнақлар, зарур дори-дармонлар билан таъминланмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорағида 1504 нафар қариялар тиббиёт ходимлари ҳамкорлигида диспансер кўригидан ўтказилди. Шифохона шароитида ва касалхоналарда даволанишга муҳтож деб топилган 63 нафар қария касалхонада, 171 нафари эса уй шароитида даволаниб чиқдилар. 15 нафар қариялар ижтимоий таъ-



Суратларда: 1.107 ёшли Эшим бобо Тўраев. 2. Суннатилло Юсупова кексалар билан суҳбатлашмоқда.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН

9 май - Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Беруний туманидаги «Олтинсой» фуқаролар йиғини ҳудудида ўзига хос тантана бўлиб ўтди. «Раҳмонбой» маҳалласида яшовчи Курбонбой ота Момутовнинг бир асрлик тўйига овул аҳли йиғилди. Элга ош тортилди, даврада полвонлар беллашиб, чавандозлар улук тортиди.

Курбонбой ота ўтган аср бошида шу ерда таваллуд топди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ортида йилки боқиб, отлик қўшинларга учқур тулпорлар етказиб берди.

— Наслдор отларим кўп эди, — дея хотиралиди отахон. — Уша пайтлари йилкиларни Бадайтўйқай, Қизилқум яйлосларида боқардим. Бутун халқ урушга борбудини жўнатаётганда мен ўз отларимни юбордим.

Курбонбой ота Шарифа момо билан бирга етти нафар фарзанди тарбиялаб

воёга етказди. Катта ўғил Ерناзар 60 ёшда. 55 яшар Пирназар ака «Олтинсой» ширкат хўжалигида электр пайвандловчи, ўртанча ўғли Сейтназар эса ота касбинини эгаллаб бригадирлик қилмоқда. Кенжа ўғли Шерназар «Бийбозор» қишлоқ касалхонасида ишлайди.

Отанинг фарзандлари, невараси, чевара ва эвараси 150 дан ошди, — дейди «Олтинсой» овули фуқаролар йиғини раиси Қадамбой Жумаураатов. — Улардан 12 нафари овулда ўқитувчи. Овулимизнинг бешта маҳалласида истикомат қилаётган 5,5 минг фуқаронинг барчаси Курбонбой отани яқши билади. Унинг ҳаёт йўли бугунги ёшларимизга катта сабоқ.

Курбонбой ота ўтган умрини хотирлар экан, бугунги озода ва дорилломон кунлар учун шўкрона айтиб, дуога кўл очди. Юртимизга тинчлик, хонадонларга кут-баракка тилади.

СОВГАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазиляр Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жойларда қўллаб байрам тadbирлари бўлиб ўтаётди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги Олим Ҳўжаев номидаги маҳаллада ўтказган учрашу хам ана шундай тadbирлар сирасидан бўлди.

Унда сўзга чиққанлар бу йилги Хотира ва қадрлаш кунини мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йилида нишонлана-

ётгани кекса авлод вакилларини эъозлаш, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътиборнинг янада ошганидан далолат эканлигини таъкидлади.

Тadbирда уруш катнашчилари ва жамоат ишларида фаол иштирок этаётган бир гуруҳ отахону онахонлар, ёлғиз қарияларга «Маҳалла» жамғармасининг совгалари топширилди. Таъкил санъаткорларнинг чиқишлари учрашува янада файз киритди.

(ЎЗА).

ҲАМИША ЁДИМИЗДА

дилозор йўл-йўлакай оқил ва фозил Периклини ҳақоратлаб келаверди. Перикл лом-ним демади. Уйига етиб, келганда хизматкорини чақирди: «Маъшвал ёқиб, жанобни уйгача элтиб қўй,» деди.

Табиатан хушфелъ Периклининг юнон дошишанди сифатида танилиши бехиз эмас. Емон гаплар унинг бир қулоғидан кириб, иккинчисидан чиқиб қетарди.

Икки киши муштлишиб кетишди. Уларни ажратиб қўйдилар. Уришанлардан бири доно, фозил бўлиб, иккинчиси жоҳил ва нодон эди. Доно ва Фозил инсон ким би-

лан ўчакишганини англагач ўзини қўлга олиб «айб менда» дея узр сўради.

Абдулло Рудакий айтади: Яхшилик ва сулҳга интилар доно,

Жаҳолат, жанжалга интилар нодон.

Тоғ дарёси устидаги тор кўприкда икки қўчқор бир-бирига дуч келиб қолишди. Бир-бирига йўл бериш ўрнига, сузишиб кетишди.

Азамат шохлардан икковининг кўкраги ва қорни жароҳатланди, ҳолисизланиб бирин-кетин дарёга

думалаб гарк бўлиб кетишди.

Саъдий Шерозий айтади:

Филдек зўр бўлсангу, шердек уришқоқ,

Наздимда жангдан сулҳ минг бор афзалроқ.

Фалокат босиб эру-хотин уриш қилишди. Охир бўлмади, ажралиб кетишди. Болалар тирик етим бўлиб қолишди. Бир доно бунинг давосини топди. Эрини кўрса хам, хотинини кўрса хам бирини номидан иккинчисига салом айти-верди-да, охирида уларни келиштириб юборди.

Зикрилло ЭГАМБЕРДИЕВ.



ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги махсус авария тиклаш бошқармаси кўмондонлигида Қарияларни қадрлаш йили ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган «Авлодлар учрашуви» байрам тадбирини ўтказди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, Тошкент электротехника Алоқа институти ҳамда Алоқа коллежи талабалари, бир гуруҳ аскарлар иштирок этдилар.

лар машаққати, ҳаётий тажрибалари ҳақида Ватан ҳимоячиларига тўлқинлиб ҳикоя қилдилар. Тадбир иштирокчилари ҳарбий қисмда аскарларнинг хизмат бурчини аёло даражада ўташлари учун барча шароитлар яратилганлигини ўз кўзлари билан кўриб, мамнун бўлишди.

— Шукронлар бўлсинким, мустақиллик йилларини кўриш насиб этди, — дейди Иброҳимжон ота Исоимидинов. — Ўшим саксонда бўлса-да, ҳамон ўзимни сафда

деб биламан. Тошкент электротехника Алоқа институтининг Ўзбекистон тарихидан талабаларга дарс берайман. Йигит ва қизларга шу осойишта, саодатли кунларимиз қадрига етиш, мустақиллигимизни кўз қорачиқдай асраш лозимлигини уқтираман, уларнинг қалбига ватанпарварлик туйғуларини жўш урдиришга ҳаракат қиламан.

Жонли сўхбатларда ўзбекистонлик аскарларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида гап бор-

ди. Уруш фахрийси Николай Саприклин биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг ҳаёти ва жасоратлари ҳақида алоҳида тўхтади.

Тантананинг энг ҳурматли иштирокчилари бўлмиш отахону онахонларга Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг муниматбаҳо совғалари топширилди.

М. ДАВРОН.

И. ХАСАНОВ олган суратлар.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг Ўзнергосотиш шўъба корхонасида Қозғистоннинг «Сайман» ёпиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган электр ҳамда сув ўлچагич асбобларининг тақдимоти ўтказилди.

«САЙМАН» РЕСПУБЛИКАНИЗ БОЗОРИГА ИТТИМОҚДА

«Сайман» ЁАЖ 1992 йилда хусусий тартибда, электр ўлчовчи ускуналарни ишлаб чиқариш мақсадида ташкил этилган эди, — деди корхона бош директори Сагин Тажиқенов. — Ишлаб чиқаришда Литва, Франция ва бир қатор Европа фирмалари билан ҳамкорлик қилинади. Утган ўн йилда корхонамиз электр энергияни ўлчовчи замонавий асбобларни ишлаб чиқаришда сезиларли ютуқларга эришди.

С.Тажиқеновнинг айтишича, корхона йилига 200 миңдан зиёд электр ўлчов асбоблари ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунингдек, «Сайман»нинг электрон электр ўлчов ускуналари техникавий таснифи, дизайни бўйича жаҳонда энг яхши намуналардан сира ҳам қолишмайди. Нархлар эса анча арзон.

Тақдирим маросимда сўзга чиққан мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимиз бозорига кириб келишга чоғланаётган «Сайман» корхонасида тайёрланаётган «Номад», «Батис», «Орта», «Дала», «Тау», «Олтой» каби маиший ва кўп функцияли электр ўлчов ускуналари, Т-0,6643 трансформатори, «Жусан» электр назоратчилари аниқлиги ва замонавийлиги жиҳатидан жаҳон андозалари талабларига тўла-тўқис жавоб беради.

Шуни қайд этиш лозимки, яқиндан бошлаб корхона Италиянинг Маддалена фирмаси билан ҳамкорликда иссиқ ва совуқ сувни ўлчовчи асбобларни ҳам оммавий равишда ишлаб чиқара бошлади. «Сайман» корхонаси 2002 йилда ўз махсулотларини ISO 9000 тизими бўйича сертификатлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон бозориде ишончли шериклар топсақ, махсулотларимиз мутахассисларга, қолаверса, барча истеъмолчиларга маълум келса, бундан биз ҳам, қолаверса, ўзбекистонлик дўстларимиз ҳам манфаатдор бўларди, албатта деди С.Тажиқенов сўзининг якунида.

«Туркистон-пресс».

ЎЗБЕКИСТОН — ҚУВАЙТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитасининг халқаро ишлар режасига мувофиқ Қувейт Давлат тарбия ва олий таълим вазирлиги ходимлари касабаси уюшмаси делегацияси Ўзбекистонга ташриф бурди.

Делегациямизнинг Ўзбекистонга келиши энг аjoyиб ташрифлардан бири бўлди, — деди мамнунот билан Қувейт Давлат тарбия ва олий таълим вазирлиги ходимлари касабаси уюшмаси Раёсати аъзоси Валид Али Ҳасан Иброҳим ал-Қаттон. — Ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, самимиётини ҳар қақда ҳам қисқисиз билан қабул қилиб, азим Тошкентнинг гўзаллиги, архитектура жиҳатидан юксак даражада барпо этилган замонавий иншоотлар мамлакатингиз қудратидан далолат бериб турибди.

Таъкидлаш керакки, одамларингиз юзидеги самимиёт, келажакка ишонч, жаҳон андозалари талабларига жавоб бериш учун асосий маскани бунёд этишга бўлган кучли эътибор юртингизда

Шунингдек, Ўзбекистонда меҳнатқашлар фарзандларини соғломлаштиришга катта эътибор қаратилиши таҳсинга лойиқ. Бизда ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор берилмади. Фақат оромоғлар ўрнига ёнги ўқув Марказлари ташкил этилади.

Сирасини айтганда, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида олиб борилаётган эзгу ишлар бизда катта унутилмас таассурот қолдириди.

Қувейт Давлат тарбия ва олий таълим вазирлиги ходимлари касабаси уюшмаси делегациясининг юртимизга ташрифига касабаси уюшмалари ўртасидаги дўстона ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашидаги учрашувада иккала томон мутахассислари ўзаро тажриба алмашдилар. Меҳмонлар ташриф давомида Самарқанд вилоят

ҳокимлиги, вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши, Самарқанд Давлат Чет тиллар институти фаолиятини ўрганар эканлар, олий даргоҳ қошида Қувейт Марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурдилар. Шунингдек, Бухоро шаҳридаги инглиз тилига ихтисослашган 2-мактаб, Зардўзлик фабрикаси фаолияти билан танишдилар. Вилоят таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг «Халқ таълими тизими ходимларининг фольклор-этнографик дасталар» кўрик-танловининг яқини босқичини томоша қилдилар.

Ташриф сўнгиде Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитаси билан Қувейт Давлат тарбия ва олий таълим вазирлиги ходимлари касабаси уюшмаси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

М. ЎРМОНБЕКОВА.

Ислоҳот одимлари

2 ИНСОН БОРКИ БАХТГА ИНТИЛАДИ

Касаба уюшмаси «Соғлом авлод» дастури асосида тумандаги 90 фоиздан ортиқ аёлларни тиббий кўриқдан ўтказди. Уларнинг соғлигини илтимой ҳимоя қилиш мақсадида 984 нафар хотин-қизнинг иш вақти ва иш ҳақи сақланган ҳолда бир соатга қисқартирилди. Ёки 35 нафар аёл муддатидан аввал нафақага кузатилды. Шунингдек, 742 нафар аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейин таътили узайтирилди.

Холбуки, «Аёлларни асраб-авайлаш керак!», «Аёл — хонадон кўрки», «Аёллар меҳнати ҳамиша ардоқда» каби бандларнинг шioriларни асакалик хотин-қизлар узоқ йиллар илгари ҳам кўп бор эшитишган. Бироқ... аёл шаъни, унинг қадри камол топаётганини мустақиллик эпкинлари туфайли ҳис этишяётганлигини қувонч ила таъкидлашмоқда. Бу хайрли ва саховатли ишларда касабаси уюшмаси ташаббус кўрсатаётгани янада кувончли.

« — Фарзандларимизнинг билимли, кучли ва дунёқарши кенг, юртга садоқатли инсонлар бўлиб етишишига эришмоғимиз лозим», деганди Юртбошимиз Исломо Каримов. Аини пайтда ана шу дастуриламал туман агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмасининг ҳам асосий иш йўналишларидан бирига айланган.

Чунончи, биргина ўтган йилнинг ўзида маданий тадбирлар учун салкам 4 миллион сўм маблаг сарфланган бўлса, спортни ривожлантиришга эса 1 миллион 261 миң сўм ажратилди. Агар таққослаб кўриلسа, бу — аввалги йилларга қараганда, анча кўпдир. Шунингдек, мактаб, мактабгача тарбия муассасалари, касалхона ва профилактика ишлари ҳам доимий эътиборда. Айтايлик, тармоқ тасарруфидеги барча муассасаларда ободонлаштириш, таъмирлаш ва аёлчи ўқувчиларга стипендиялар ажратиб, кам таъминланган болаларни дарслик, кийим-кечак билан таъминлаш ҳам ўз самарасини бермоқда.

Таълим муассасаларига касабаси уюшмасининг эътибори ҳамда беиминат ёрдами кучайганлиги сабабли аёлчи ўқувчилар сафи кенгаймоқда. Ёки ана шу жойлардан етишиб чиқаётган ёшлар мусобақаларда, нафақат туманда, балки вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этишмоқда.

Халқимизда яхши дам, меҳнатга ҳамдам, деган гап бежиз айтилмаган. Асакада бу борада деярли муаммо йўқ, десақ, ишонмаслигингиз мумкин. Аммо борни бор, дейди-да!

Туман раҳбарияти касабаси уюшмаси ҳамкорлигида имкониятларни излаб топди. Аини пайтда муассаса ва ташкилотларда дам олиш хоналари, спорт иншоотлари қурилиб, меҳнат ахли ундан манфаатдор. Ҳўжалиқларда эса бу соҳада янада эътибор кучайтирилган: дала шийонлари замон талабига мослаштирилган бўлиб, ишчининг маданий дам олиши таъминланган. Газета-журналлардан тортиб, ювиниш хоналаригача бор. Ишчиларга ҳар кун тушда белул иссиқ овқат берилиши одат тусини олган.

Асака туман агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмасининг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қўшаётган ҳиссаси нечоғли эканлигига тўхталганимиз бежиз эмас. Мустақиллик йилларига келиб, ана шу туман меҳнатқашлари кўплаб ташаббуслар ва тажрибаларини ҳаётга жорий қилишда бош бўлганлардан. Чигитни плёнка остида парваришлаш, галла етиштириш-

да юқори кўрсаткичларга эришиш, саноатда ва бошқа соҳаларда кўпчиликка намун.

Табий ҳолки, бу ютуқларда касабаси уюшмасининг қандай ҳиссаси борлиги кўпчиликини қизиқтиради. Шу ўринда мана бу далилларга эътибор қаратиш ўринлидир. Маълумки, бундан уч-тўрт йил аввал табиий офатларнинг кўпайиб кетганлиги, боз устига қурғоқчиликнинг тақдорларини иқтисодимизга таъсир этмай қолмади. Бу — баъзан иш ҳақида узилишлар келиб чиқишига сабаб бўлганлиги ҳам рост. Аммо шу пайтда ҳам Асакада — айниқса кишлоқ ҳўжалигида бу муаммога ўрин қолмаган. Нега?

Биринчи галда касабаси уюшмаси ҳамкорлигида тузилган меҳнат ва жамоа шартномасига қатъий амал қилишга эришилди. Унинг самараси зоё кетган эмас. Биргина ўтган йилдаги ҳолатга назар солинса, ҳақиқий аҳолини қузайтиш мумкин. Тўғри, бу ерда ҳам қисман иш ҳақидан қардорлик юзага келган бўлса-да, аммо меҳнатқашки моддий қўллаб-қувватлаш асосий масалалардан бирига айланган. Шу сабабли иш ҳақида кўшимча 631 тонна бугдой, нафақалар ҳисобига 16 тонна бугдой, 37 тонна пахта ёғи, 25 тонна гуруч тарқатилди.

Ваҳоланки, Асакада меҳнатқашнинг асосий ишдан чалғимаслиги, ишлаб чиқаришда узилишлар бўлмаслиги олди олинган бир пайтда, қаердадир олма пиш, оғзимга туш, қабилида иш кўриб, эскича услубдан ҳамон қўтилимолаётганлар ҳам, афсуски, йўқ эмасди.

Ана шу боис ҳам, агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси туман кўмитаси таркибига кирувчи ҳўжалик, корхона ва ташкилотларда ўтган йил учун тузилган жамоа шартномалари шартларини бажариш бўйича ҳар бир ходимга сарфланган маблаг — давлат корхоналарида 12,269 сўм, чет эл инвестициясига 51,226 сўм, хусусий корхонада 24,288 сўм, жамоа корхоналарида 30,589 сўмданга тўғри келди.

Меҳнат ахлини қадрлаш касабаси уюшмасининг асосий вазифаси. Шу кунгача юзлаб ишчилар вилоят ва республикамизнинг турли санаторий-профилактика ҳўжасида дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтишди. Байрам ва тадбирларда ишчиларга қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари улашилади. Ногирон, кекса нафақаҳўрлар ҳўлидан хабар олиб турилади.

Туман агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси фаолияти хусусида ҳўп ва кўп ёнги мумкин. Аммо тармоқ саъй-ҳаракатининг янада ривож топишида айрим жузъий муаммолар ва тақлифлар ҳам йўқ эмас.

— Биз билан ҳамкорликда ишлаётган жуда кўп ташкилотлар бор, — дейди туман агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси раиси Ҳидоятилла Аҳмедов. — Меҳнатқашларни илтимой ва маънавий-моддий ҳимоялашда корхона, ташкилот, жамоа ҳўжалиқларининг ҳиссаси катта. Бироқ илтимой сўғурта бадалларини вақтида тўлашга айрим корхоналар етарли эътибор бермапти.

Ёки ҳар йили қишда ҳўжалик раҳбарлари, ҳокимларнинг ўқуви ташкил этилган. Шу ўқишларда касабаси уюшмаси туман, вилоят раҳбарлари иштирок этиб, жамоа шартномаси, меҳнат муқофазаси тўғрисида ҳам лекция ва дарс соатлари ташкил этилса, фойдадан холи бўлмасди.

А. ҲАҚБЕРДИЕВ. Асака тумани.

САВОЛ: I гуруҳ ногирониман. ЧЕРНОБИЛ ҚАТНАШЧИСИГА ПЕНСИЯ БЎЙИЧА ИМТИЁЗ

САВОЛ: I гуруҳ ногирониман. Чернобил ҳалокати оқибатларини туғатишда қатнашганман. Мен қай тартибда пенсия оламман?

Зулқайнар УММАТОВ, Пахтакор тумани.

тушунча бериб ўтсак.

1. Хизмат сафарига юборилганларга ногиронлик пенсия «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 170-сонли қарориде белгиланган тартиб бўйича тайинланади. Бунда ўртача иш ҳақини ва пенсия миқдорини ҳисоблашда кўйидагиларга эътибор бериш керак:

а) ўртача бир ойлик иш ҳақини ҳисоблаш учун Чернобил фожеаси оқибатларини бартараф этишда қатнашган даврнинг давомийлигини қатъий назар Чернобилдаги иш ҳақидан ёки хоҳишига кўра бутун меҳнат фаолиятидаги хоҳлаган беш йилликдаги иш ҳақидан ҳисоблаш мумкин;

б) Чернобилдаги ёки хоҳлаган беш йилликдан ҳисобланган ўртача бир ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 7 карраси билан чегараламасдан инobatга олинади;

в) ногиронлик пенсия соғлигига etkazилган зарар (фоиз) миқдорда (боқувчисини йўқотганлик пенсия эса ҳар бир боқувчига 40 фоизда) тайинланади.

г) пенсия миқдори, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 январдаги 7-сонли қарорига мувофиқ ўрнатилган тартибда белгиланган энг юқори миқдорлари билан че-

гараланади. Улар куйидагича:

I гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдориде;

II гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдориде;

III гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 2 баробари;

боқувчисини йўқотган ҳолларда меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзосига 5917 сўм 50 тийин миқдориде белгиланган.

е) Пенсияга оилавий кўшимча ёки оширишлар белгиланмайди.

ҲУКУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ҚОНУН БИЛАН ТАЙИНЛАНИШИ МУМКИН

ИШ ҲАҚИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ ТАҚДИМ ЭТСА, ИШ ҲАҚИ ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИНИНГ 7 КАРРАСИ БИЛАН ЧЕГАРЛАНИБ, СЎНГРА ПЕНСИЯ МИҚДОРИ ЧЕГАРАЛАНМАСДАН ҲИСОБЛАНАДИ.

Г) ИШ ҲАҚИДАН ҲИСОБЛАНГАН II ГУРУҲ НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯЛАРГА ЁШАР ДОИР ПЕНСИЯНИНГ 25 ФОИЗ МИҚДОРИДА ОШИРИШ БЕЛГИЛАНМАЙДИ;

д) 25% ошириш ҳамда ҳарбий унвони учун оширишлар фақат қатъий миқдорда тайинланган пенсияларга берилади;

е) қарамоқдаги оила аъзоларига бериладиган қўшимчалар эса иш ҳақидан ҳисобланганлик ёки қатъий миқдорда тайинлангани, фақат ишламаслигини талаб этади.

3. Чернобил фожеаси оқибатларини бартараф этиш учун ҳарбий комиссариатлар орқали махсус йиғинларга чиқарилган ҳарбий мажбуриятли фуқаролар (уларнинг оилаларига) ногиронлик пенсиялари хоҳишига кўра хизмат сафарга юборилганлар сингари 1993 йил 3 сентабрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ёки 1990 йил 28 апрелдаги «Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан тайинланиши мумкин.

Бу тоифадаги фуқароларга пенсияни энг кам миқдордаги иш ҳақининг беш баробаридан ҳисоблаш кўзда тутилмаган.

2. Чернобил зонасида муддатли хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларга ногиронлик пенсия тайинлашда ўртача иш ҳақини ва пенсия миқдорини ҳисоблашда кўйидагиларга эътибор бериш керак:

а) ногиронлик пенсия (улар вафот этганда боқувчисини йўқотганлик пенсия), 1990 йил 28 апрелдаги «Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан тайинланган миқдорларда тайинланади.

б) Пенсия миқдори энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ногиронлик гуруҳига қараб, 3-гуруҳ - 50%, 1- ва 2-гуруҳ - 75% миқдорда ҳам ҳисобланиш мумкин;

в) Агарда муддатли хизматни ўтаган ҳарбий хизматчи хизматидан олдинги иш ҳақини ёки пенсияни қайта ҳисоблаш учун хизматдан кейинги даврдаги беш йил-

II гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдориде;

III гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдориде;

боқувчисини йўқотган ҳолларда меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзосига энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдориде белгиланади. Пенсияларнинг энг кам миқдорлари кўрсатиб ўтилган энг кўп миқдорларнинг тегишлича 50 фоиз даражасида белгиланади.

д) Пенсия миқдори кам қиқса, энг кўпи миқдорларда белгиланади.

I гуруҳ ногиронларига энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдориде;

Турмуш чорраҳаларида

Телефон кўнгираги жиринглади. Гушакни кўтарганим Камолитдиннинг таниш овози эшитилди. —Ишдан кейин «Сойгузар» чойхона-сига ўтсангиз, меҳмон бор. Пича ҳам-гомалашамиз.

Аёл шошиб уйга кирди-да, қозоғга кўз югуртирди. Ажабо, эри жўнатибди. Узи аспирант бўлса, стипендия ҳисобида кун кечирса...

Саодат туяни шундай ўйлар билан ўтказиб, юборилган пулни эрининг болаларига куйинчаклигига йўйди. Эрталаб алоқа бўлимига кирганида қозони расмийлаштириб, пулни бераётган ходим хайрон бўлиб сўради:

— Яхши яшар эдинглар шекилли, қачон ажраша қолдинглар? Бу гапдан Саодат тахта бўлиб қолди ва шоша-пиша пул билан қўшиб берилган

АРМОҢ

молиддин кулимсираб -Дўстим Содиқжон. Санъатушонослик номзоди, армия хизматини бирга ўтаганмиз.

— Куролдошимиз денг? - мен ҳам ўз навбатида жиймайдим.

Бу орада дастурхонга палов келтирилди. Ошни кўрган меҳмон табассум билан деди:

— Биласизларми, Ўзбекистоннинг ҳеч қаерида паловни водийликлардек ўхшата олишмайди. Пойтахтда ҳам ошхўрлик қилиб тураемиз. Негадир ўзимизнинг чойхона палови ўрнига ўтмайди. «Киттай-киттай» дан сўнг атрофдагилар жонланган...

— Поездга кечимаймизми, ишқилиб? Камолитдин бепарвозлик билан кўл силтади.

— Хали икки соат бор. Бутун бошли кўкорни сўйиб маҳаллага ош тарқатиш мумкин, - шундай дер экан, пешонаси тиришди. Шошалоқлики қаранг, кўй бўлмаса ҳам биронта қовун юмалатса...

— Ҳожати йўқ. Паловдан кейин кўк чойдан бошқаси кетмайди, - эътироз билдириди меҳмон.

— Хар гулнинг ҳиди бўлак, - Камолитдиннинг ўжарлиги тутди. - Бозор бир қадамгина. Бориб келишга ўн минут кифоя.

Хай-хайлашимизга қарамасдан Камолитдин ҳамкасбини етаклади-да, ташқарига қараб юрди: Меҳмон билан ёлғиз қолди. Содиқжон чўнтагидан ёлғиз-чиритди:

— Ака, биз ҳам сой бўйида оёқни сал ёзмаймизми?

Ўрнимиздан кўзгалдики. Соҳилдаги ажриқорлар сарғайиб, заъфарон тусга дада қалтираб қалтираб тўкилади. Содиқжон сизгарага тўтунни пуфларкан, мен тарафга ўғирлиди.

— Мени танидингизми, ака?

— Қаердадир кўргандайм...

— Ҳа, у маҳаллар сочимиз кўмирдек қора, манглайимизга ажин тушмаган эди, - деди суҳбатдошим қандайдир уйан оҳангда.

— Мен бир вақтлардаги фельетонингиз қаҳрамони Содиқ Фармонов бўламиз.

— Хушёр тордим, лекин сир бой бермадим.

— Юзга яқин фельетон ёзганман. Қайси бири?

— «Кутилмаган нафақа!»

— Фельетон хотирамда жонланди. У шундай бошланган эди:

«... Саодат ҳар галгидек ишдан қиди-ю, болалари ёнига югурди. Алишернинг боғдан олиб уйига яқинлашадиганда, ҳовлисидан қиёга келаётган хат ташувчинини учратди.

— Номингизга пул келганди. Қозоғи ташлаб чиқяпман. Эртага алоқа бўлишимдан оларқансиз.

— Пул? Қимдан? - хайрон бўлиб сўради Саодат.

— Манзилга қарамабман.

қозоғга кўз югуртирди. Бу нимаси? Унга «нафақа пули», деб ёзиб кўйилганди».

Шу тариха фельетон давомида Содиқнинг ўзи аспирантурада ўқиш ва ишлаётган олийгоҳ талабаси билан танишиб, севиб қолганлиги, ниятини амалга оширишга оиласи яшаётган туманда узоқ йиллар улфатчилик қилиб юрган судья Мирғозиева йўл-йўриқ кўрсатганлиги ва бунинг эвазига ўғлини ўқишга киритиб қўйиши зиммасига юклаганлиги баён этилган эди. Мирғозиеванинг маслаҳатига кўра Содиқ судга хотини Саодат номидан ёзган аризада жумладан, шундай дейилган эди:

«Эрим Содиқ Фармонов билан беш йил бирга яшадик. Бироқ, ўзаро муносабатимиз келишмаганлигидан анчадан бери бошқа-бошқа тураемиз. Собик эримдан нафақа ундириб беришингизни сўрайман»

Ариза охирида Содиқ Саодатнинг сохта имзосини чеккади. Худди ўша дастхат билан ёзилган Содиқнинг тушунтириш хатидан хотинининг талаби ҳаққонийлигига юз бор касам ичиб, нафақа тўлаб туришга сўз берган. Ана шундай хийлакорликлар билан уюштирилган ажралишдан ўн беш кун ўтмасдан Содиқ болалари бўлгани ҳолда ёшгана талаба кизга уйланиб улгурган эди.

Пастлиқда сой шовуллади. Автомашина сигналли қулоққа чалинди. Утирилиб қарасак анча оғирлаб кетибмиз. Камолитдинлар бизни чақирди.

— Ушанда сиз ҳақ эдингиз, фельетонингиздаги гаплар тўғри бўлмаса сизни тинч қўймасдим. - Мен-ку ёшлик, нодонлик қилибман. Лекин бир савол ҳамон қийнайдми. Нима учун туман судьяси мени бу йўлдан қайтармади? Бунинг ўрнига болани ўқишга жойлаб берсанг, ўн та хотиндан ажратиб бериш ҳам қўлимдан келади, деб ҳаволантирди. Ваъдасини бажарди ҳам. Агар шундай қилмаганда, балки, Фариддага уйланмасдим, адашиб, сандираклаб юриб бўлсам, охир бир кун оилам кучоғига қайтаримдим.

— Иккинчи хотинингиздан рози эмасми?

— Кўнгул курсин, ака. - Содиқжоннинг товуши қалтиради. Шу заҳоти гап оҳанги яна ўзгарди. Қўёнинг сўнги нурлари жилваланаётган уфқ ортга қараб личирлади.

— Фарзандларнинг уволу тутуди, деганлари рост экан. Иккинчи хотинимдан бола кўрмадим. Йигирма йилдан ортқ ишаймиш-ку, бир-бировимизга ҳамон омонат-демиз.

— Болаларингиздан хабар олиб турасизми?

— Каттаси уйланган. Кичиги армия хизматидан кейин ўша ёқда ўқишга кирибди. Оилалик бўлибди. Улар билан қўришсак ҳам худди бегоналардекмиз. Ажраганимиздан уш йил ўтган Саодат болаларни ота-онасига ташлаб эрга тегибди. Ёш нарса кўз ўтармиди.

Ковун ҳам сўйилди, меҳмоннинг эътирозига қарамасдан кузатишга вожаалга чиқдик. Хайрлашадиганимизда унинг кўзларидан чўкюр мунгни кўрдим. Киприқларида ёш қалқигандек бўлди. Ёки менга шундай туюлдимикан? Ҳанузгача билмайман.

О. КАМОЛОВ, И. ХАСАНОВ олан суратлар.



МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ

Халқимиз азалдан нурунийларни ардоқлаб, уларга чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келган. Кўпни кўрган отахону онахонларимиз ҳар доим қалбимиз, хонадонимиз тўрида бўлганлар. Бу кун кеча пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Меҳржон» маҳалласида бўлиб ўтган тадбирда яна бир бор тасдиғини топди.

Маҳалла ҳудудида яқиндагина ишга туширилган «Фавора» ошхонасида 40 нафарга яқин уруш ва меҳнат фахрийлари учун байрам дастурхони ўзилди. Кечга тақлиф этилган нурунийлар бир пиёла чой баҳона дилдан суҳбатлашдилар, олис хотираларни ёдга олдилар. Санъаткорлар томонидан ижро этилган дилрабо куй-қўшиқлар эса тадбирга алоҳида жозоба бағишлади.

— Тадбирни уюштиришда «Фавора» масъулияти чекланган жамиятнинг ҳиссаси катта бўлди, — дейди маҳалла қўмитаси раиси Ҳасанбой Асанов. — Умуман, мазкур жамият янги-янги иш ўринлари яратиб, аҳолига намунали маиший хизмат кўрсатмоқда, кам таъминланганларга беминнат ёрдам қўлини чўзмоқда.

О. КАМОЛОВ, И. ХАСАНОВ олан суратлар.



Турфа олам «БИОХИТИН»

Япониядаги бир гурӯҳ олимларнинг изланишлари кутулган натижани берди. Улар қисқичбақа, омар, қраб ва лангустларни қайта ишлагандан сўнг қоладиган қаттиқ органик модда — хитиндан спорт кийимини учун пишиқ ва тоза материал олиш технологиясини ишлаб чиқдилар.

Янги материал «биохитин» деб номланди.

ФИЛДИРАКЛАР УЧУН «КАЛИШ»

Автомобилларнинг ботқоқ, лой ерларда ва қияликларда юриши учун инглиз ширкатларидан бири автомобилнинг бошқариб борувчи филдиракларига беш даққиқа ичида ўрнатиб қўйиш мумкин бўлган, қайишқоқ пластмассадан тайёрланган қалишни тавсия қилди.

А. АЛЛЕВ.

Газетхон илтимосига кўра

Маълумоти бизнинг фикримиз исботидир. Байрамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) қизлари Биби Фотимадан бошланган силсиласида ҳазрат Али бу у кишининг ўғли имом Ҳасан - аввалги та-

ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

таъкидлаш мақсадида кейинчалик ёшини ортириб кўрсатган бўлишлари мумкин, деб қўшиб ҳам қўяди. Юқоридаги барча тахмин эгалари улғу бобомизнинг қабрига қўйилган мрамор сағаннадаги санани эътиборга олмайдилар ёхуд қизиқмаган бўлсалар керак. Жаҳондаги энг маърифатли ҳукмдорлар саналадиган темир йилдан умр кўриб борганда ҳам термизлик аллома туғилган вақтга тўғри келади. Учинчи ва кейинги табақа вакиллари Ҳаким ат-Термизийдан анча кейинги замонларда яшаб ўтганликлари ўз-ўзидан маълумдир.

Далиллардан яна бири шуки, хижрий 209 (мелодий 824) йилда туғилган буюқ муҳаддис Абу Исо Термизий Абу Бакр Варроқ Термизийнинг хияни эканлиги тарихий манбаларда келтирилади.

Ушбу ҳикоятнинг маънасида Ҳаким ат-Термизийнинг муносиби шонидан кўрсоблаганда камида 125 йил умр кўрган ал-Ҳаким ат-Термизийнинг таваллуд тоған йили хижрий 131-132 (мелодий 749-750) йилдан кам эмас дегимиз келади ва бу хулосамизни далил-лашга ҳаракат қиламиз.

Дастлаб шуни билдирмоқчимизки, ҳазрат Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарига Ҳаким ат-Термизийнинг «иккинчи табақадан» дея пайгамбарзодалар силсиласидаги ўрни борасида берган

бақа, имом Ҳасаннинг фарзанди Башир ва Баширнинг ўғли Ҳаким ат-Термизий иккинчи табақага мансубдилар. Мулоҳаза юриталиқ: сайидлар авлодининг ҳар бири тахминан ўртача элли йилдан умр кўриб борганда ҳам термизлик аллома туғилган вақтга тўғри келади. Учинчи ва кейинги табақа вакиллари Ҳаким ат-Термизийдан анча кейинги замонларда яшаб ўтганликлари ўз-ўзидан маълумдир.

Яна бир жиҳат. Айрим Эрон манбаларида Ҳаким Термизийнинг хижрий 285 (мелодий 898) йили Нишопурга сафар қилгани келтирилади. Бу — бизнингча, унинг шогирди Абу Бакр Варроқ Термизий бўлиши ҳам мумкин. Нима учун? Гап шундаки, Варроқ ҳам... Ҳаким Термизийдир! (Қаранг: «Насойим ул-муҳаббат», Алишер Навоий асарларининг 15-томи, Тошкент, 1968, 88-бет) Тўлиқ исми: Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Варроқ Ҳаким Термизий. Вафот этган йили эса хижрий 294 (мелодий 907).

Хуллас, фикримизча ал-Ҳаким ат-Термизий бобомиз хижрий 131-жиян - жияннинг тоғаси - тоғанин устози, ораларидаги фарқ ёш бўлиши мумкинлиги кундек равшан эмасми? Филология фанлари номзоди Убайдулла Уватовнинг «Буюқ Доғишманд» илмий мақола-сида куйидаги жумла бор: «Таниқли олим Ҳажо Халифа ўзининг «Кашф уз-зунун» ном-

Полвонлар бел олиши

Наманган шаҳридаги муҳташам «Пахлаван» спорт мажмуасида Белбоғли кураш бўйича II аънанавий халқаро турнир беллашувлари бошланди. Унда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимиз вилоятларидан келган 150 дан зиёд полвон голиблик учун бел олишадди.

ПОЛВОНЛАР БЕЛ ОЛИШИ

Мусобақа Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси, республика касаб ва уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилди.

Халқаро турнир ўзбек спортчиларининг жаҳон, қитъа ва олимпия мусобақаларидаги ўрни, салоҳияти, обрў-эътибори тобора ортиб бораётганига яна бир ёрқин далилдир. Айниқса, ҳалоллик, мардлиқ, ажбирлик, ирода ва матонат сингари хислатларини ўзида мужассам этган ўзбек кураши мустақиллик йил-

ларида жаҳон эътиборини ўзига қаратди. Наманган шаҳрида бошланган белбоғли кураш бўйича халқаро турнир ҳам ўзбек кураши усуллари аънаналарини халқаро майдонларда янада оммалаштириш, халқ-қўрқ қўшиб турган «Пахлаван» спорт мажмуасида мусобақа учун барча шарт-шароитлар яратилган. Байрамона безатилган кенг ва раво кўчалар, хиёбонларда ўзгача шуққ. Марказий Осид мамлакатларидан келган сара полвонлар учун давомида мардлиқ, ҳалоллик, ажбирлик ва чаптастик борасида ўз маҳоратларини намойиш этади. Мутахассислар фикрига кўра, асосий вазн тоифасида (60, 66, 73, 81, 90, 100 ва ундан ортиқ) ўтказиладиган беллашувлар кизиқарли ва муросасиз курашларга бой бўлади.

Мусобақани Наманган вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов очди. Мамлакатимиз мадҳияси янгради, белбоғли кураш бўйича II халқаро аънанавий турнир байроғи кўтарилди.

Турнир қатнашчилари ва кураш ишқибозларини Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов кутлади.

Р. КАМОЛОВ, ҲА мухбири.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош мухаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.40

Махсус хизмат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувҳнома берилган. IBM компьютерда терилган ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Доғишманд» кўчаси, 41-уй.